

Б.Жаббаров

Рангшунослик

Ушбу ўқув-услугий қўлланма Олий ўқув юртлари рангшунослик фанининг наъмунавий дастури талаблари асосида тузилди.

Қўлланмада рангшунослик предмети, тарихи ва назарияси, асосий ва қўшимча ранглар, рангларни инсон организмига таъсири, ўзбек тилида номланиши ва уларни характерли хусусиятлари, рангларни бир-бирига ўзаро таъсири, акварель бўёғи билан, гуашь бўёғи билан, мойли бўёқ билан ишлаш ва бўёқ тайёрлаш технологияси бўйича тавсиялар берилган.

Ушбу ўқув қўлланма “Тасвирий ва амалий санъат” кафедраси йиғилишида (19.05.2011. 10-сонли баённома) кўриб чиқилди ва маъқулланди.

Муаллиф: Б.Ғ.Жаббаров –Ўзбекистон Бадий Академияси
ижодкорлари уюшмаси аъзоси, доцент.

Такризчилар: А.Турдалиев –НамДУ тасвирий ва амалий санъат
кафедраси мудири, доцент.

А.Амануллаев - НамДУ тасвирий ва амалий санъат
кафедраси доценти.

Наманган - 2011

Рангшунослик тарихи ва назарияси.

Бу масала, яъни ранглари табиатда ҳосил бўлиши, тарқалиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари қадимдан санъатшунослар, олимлар ва рассомлар диққатини тортган. Ранг ҳақида илмий тушинча пайдо бўлмасдан олдин одамлар ёруғлик ва ранглар нисбатини тўғри англаб етмаганлар. Бу ҳақда Ж. Вазир шундай дейди: “Рассомлар аввал фақат бир рангдан фойдаланиб ишлаганлар, шунинг учун ҳам уларни монохроматиклар (грек тилида monos – бир ва chroma - ранг) деб аталган, бу эса ҳали маҳорат йўлидан анча йироқда бўлган. Кейинчалик Зевксис, Полигнот, Тиманф ва бошқа рассомлар тўрт хил рангда фойдаланганлар, асосан четки чизгилар, чизгилар, ҳажмгина етакчи восита сифатида тасвирланган бўлиб у ерда нимадир етишмаслиги аниқ сезилиб туради. Лекин, буни натижасида Эрион, Никомах, Протоген, Апелесслар тамонидан ҳаммаси юқори даражада гўзал ва мукамал қилиб бажарилганки, будан яхшисини тассавур қилишнинг ҳожати йўқ эди, чунки шакл ва тана ҳаракатининг тасвирлабгина қолмасдан, балки интилиш ва рух (жон) ҳаракатини ҳам юқори даражада маҳорат билан тасвирлаганлар.”

Бундан хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, илк маротаба ишланган як ранг тасвирларидан тўрт хил ранг палитрасига ўтиш рангтасвирда ранг имкониятлари йўлидаги биринчи қадамлар бўлган. Бу ерда Ж. Вазарининг “... Бундан яхшисини тассавур қилишнинг ҳожати йўқ эди”, - дейиши антик дунё санъатидан келиб чиқиб, ўша давр ранг тушинчаси учун қиёсий тавсифнома холос. Чунки, бу даврда иссиқ ранглар қизил билан сариқ рангни фарқига боришгани билан кўк ва яшил рангларининг фарқларига боришмаган ҳам. Полигнотни палитраси ҳам фақат тўрт хил рангдан оқ, қизил, сариқ ва қорадан иборат бўлган. Агар антик Дунё санъатига, рассомлари ижодига назар солсак, ранглар худди ёруғ-соядан мустақил тарзда мавжуд бўлгандек туйилади. Шунинг учун ҳам образлар асардаги колорит, фазо билан яхлитлик ҳосил қилмайди, фигуралар иссиқ, ёрқин тусда, фони эса кул ранг ёки дахлсиз ранг тусида ишланган.

Худи шундай тасвирларни қадимги аجدодларимизнинг бой меъросидан ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан, мелоддан аввалги II минг йилликнинг охири Хоразмдаги “Сув ёрган маданияти” сополида сайқал ва бўёқ бериш техникаси кенг ёйилади. Сополга бўёқ беришда кўпинча иссиқ ранглар қизил, сариқ билан биргабир каторда қора, яшил ранглар қўлланилганлиги сув ёрган маданияти даври учун характерли хусусиятлардан ҳисобланади.

Ундан ташқари, ўзбек халқининг тасвирий санъати жуда ҳам қадимий бўлиб, унинг сарачашмалари ибтидоий жамоа давридан, тош асрдан бошланади. Турли ранглар воситасида тошга битилган жуда кўп тасвирлар республикаимиз жанубида, Кухитанг тоғидаги Зараут сойдан топилган. Тасвир чизишда рассом ўз ниятини ифодалаш учун тоғ сиртидаги бўртоқ ўринлардан ҳам фойдаланган ва бироз ўйиб ёки ранг билан уларга шакл берган. Далварзинтепа ёдгорликлари намуналарида ҳам рангтасвир безакларини ишлашда оқ, қора, қизил ва пушти ранглардан кенг кўламда фойдаланилган.

Тупроққалла тасвирлари соддалиги, рангларни ёрқин ва жозибалийлиги, табиий чиққан композициялари билан ажралиб турса, илк ўрта аср одамлари тасвирида баъзи деталлар аниқлик билан ишланган бўлса ҳам кўпроқ шартлилик мавжуд. Асосан оқ ва қора ранглар иштироқ этишига қарамасдан тасвирлардаги ранглар иссиқ тусда ишланган. Ҳаттоки, ҳайкалларни ҳам ранглар билан безаш урф бўлган, эркак киши қизил рангда, аёл киши ҳайкали эса пушти рангда ясалган. Шу ўринда санъатшунос олимлармиз Г. А. Пугаченко ва Л.И. Ремпелларнинг **“Ёрқин рангларга, жарангдор колоритга, соф қувноқ бўёқларга бўлган муҳаббат шарқ халқлари қонида бор”** – деган фикрлари жуда ҳам ўринли эканлигини гувоҳи бўламиз.

Бундан ташқари, рассомлар ҳақидаги рисолаининг муаллифлари Қози Аҳмад **“Беҳзод шу даражада моҳир мусаввир бўлиб этишдики, рангтасвир пайдо бўлганидан буён бу соҳада санъат аҳли орасида унга тенг келадигани йўқ эди”** – деб ёзади. Чунки, Беҳзод асарлари нафақат ўзига хос

чизги ва композицияси билан, балки рангларни қўлланиши жиҳатидан ҳам Шарқ санъатида муҳим ўрин тутди.

Рангшунослик предмети.

Рангшунослик ўқув предмети 5140700-Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси йўналишида университет илмий кенгаши ихтиёридаги соатлар ҳисобидан II курснинг 2 семестрида ўтилади.

Рангшунослик фанининг ўқитилиши ўқув режасида жами-44 соатни ташкил қилади, ундан 6 соати маъруза, 24 соати амалий машғулот, 4 соати семинар машғулотлари ҳамда 10 соати талабанинг мустақил ишига ажратилган.

Рангшунослик фанининг ўқитилишидан мақсад ва вазафалари билан танишиб чиқамиз. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин жамиятимизда улкан хайрли ўзгаришлар содир бўлди. Янги ташкил этилган академик лицей, коллежларда таҳсил олаётган ёшларнинг бадиий ва эстетик тарбиясига катта эътибор билан қаралмоқда. Инсон ижодий фаоллиги унинг ҳар тамонлама камол топишида муҳим омил бўлиб, уни эстетик тарбиясиз тассавур этиб бўлмайди. Инсон ҳаёти мобойнида жисмлар ва буюмлар қуршовида бўлади. Ранг-баранг буюм ва жисмлар дунёси борлиққа, гўзалликка, нафосат қонуни орқали қарашга ундайди. Рангшунослик рангтасвир санъати сирларини ўрганишда асосий қўлланма бўлиб хизмат қилади. Тасвирий санъат ва дизайн соҳаси ижодкорларининг, энг аввало, ёш ижодкорларнинг маънавий дунёсини бойитишда рангларнинг тутган ўрни ҳақида батафсил маълумотлар билан таништилади. Рангшунослик ўқув фани баркамол авлод тарбиясида ўзининг кенг имкониятларини билан ажралиб туради, ижодкорлар фаолиятини, борлиқни ва унинг гўзаллигини ранглар орқали кўриш ва тассавур этиш, санъат асарини таҳлил қилишни ўргатади. Акварел, гуаш ва мойбўёқ билан ишлаш технологияларини, бўёқ тайёрлаш технологиясини ҳамда рангларни ўзбек тилида номланиши масаласи билан шуғулланади.


Ранг туси рангларнинг тўлқин узунлигига қараб белгиланади. Рангнинг бу хоссасига кўра биз кўз орқали қизил сариқ, зангори ва шу каби бошқа спектр ранглари кўрамиз ва идрок қиламиз. Лекин, ранг туслари уларга кўйиладиган ранг номларига қараганда анча кўпдир.

Рангтасвир санъати борлиқни билишни ифодали воситаларидан бири ҳисобланади. Рангтасвир асарларидан бадиий образ яратилади. Бунда рангларнинг таъсирчан кучидан фойдаланилади. Ранг орқали нарсалар ҳажмини, материални ва инсон ички кечинмаларини, фазо кенгликларини, тоғу-тошларнинг улуғворлиги-ю, ўсимликлар дунёси ҳамда инсониятнинг бой тарихини ифодалаш мумкин. Рассомлик бу шундай санъатки, рассом тамонидан бўёқларда ишланган расм бизни худди ҳаётдаги каби ҳаёжонга солади. Рассом бўёқ ва чизиқлар воситасида юз ва ҳаракат ифодасини соя ва нур ёруғлигини тасвирлайди. Шунинг учун ҳам яхши асар, агар у ёрқин, тиниқ бўёқларда ижро этилган бўлса шодлик кайфиятини уйғотади. Демак, рассомлик санъатида асосий тасвир воситаси ранг бўлиб, тасвир турли ранглар ва бир рангнинг бир неча кўриниши (оч, тўқ ва хакозо)дан фойдаланиб ҳосил қилинар экан.

Рассом одатда кўзи тушган барча нарсани шундайлигича қоғозга кўчирмайди. У бизнинг кўз ўнгимизда ҳаётнинг гўзаллигини – тоғларнинг улуғворлигини, тўфонли денгиз даҳшатини, чечакларнинг нафислигини ва ҳатто инсоннинг ички кечинмаларини (ранглар билан боғламаган бўлса) ҳам ранглар билан тасвирлашга интилади. Нафақат рассомлик санъати умуман ҳаётда ҳеч бир соҳа йўқки, у ранглар билан боғланмаган бўлса.

Рангларни ўзбек тилида номланиши.

Тасвирий санъат дарсларида ранглар билан ишлашда ўқувчиларни кўпчилик ҳолларда қийнаб қўядиган нарсалар уларнинг рангларни ўзбекча номларини яхши билмасликларидир. Бу ҳол, айниқса натюрморт ишлашда, унинг ранглари тўғрисида сўз юритганда кўзга яққол ташланади. Маълумки, бўёқларнинг 150 дан ортиқ рус тилида айтиладиган номлари мавжуд. Ўзбек тилида эса уларнинг номлари дурустроқ ишлаб чиқилмаган. Шунинг учун ранг тўғрисида гапираётганда турмушда бор материаллар, буюмлар, сабзавот ва меваларнинг номларидан фойдаланишга тўғри келади. Масалан, баҳмал ранг, жийда ранг, бодом ранг, олов ранг, ўт ранг ёки майса ранг, сабзи ранг ва ҳоказалар. Аммо, бу ҳилдаги шартли номлар кўпинча рангларнинг туслари ҳақида аниқ тасаввур қилиш имконини бермайди. Шунинг учун бўёқларни хусусиятлари билан танишишда уларни махсус гуруҳларга ажратган ва бир-бирига боғлаб ўрганган маъқул. Масалан, сариқ ранг ўрганилаётганда унинг таркибий қисмини ҳосил қилиш йўлини, ишлатиш ва қўлланиш усуллари хамда бошқа тусларини кўриб ўтиш тавсия этилади. Рангларнинг тузилиши ва ҳосил бўлиши босқичлари тўғрисида қисқача тўхталиб ўтамиз. Бу ерда гап асосий ранглар (сарик, қизил, зангори) ва уларнинг бир-бири билан аралашувида ҳосил бўладиган ранг туслари ҳақида боради.



Сарик ранглар умуман очик ва тиник тусда бўлади, сарик пигменти бор бўлган моддалардан олинади. Сарик рангларнинг энг яхши хусусияти шундаки, уларни хоҳлаган бўёқлар билан аралаштириш мумкин.

Сарик ранглар ўз навбатида зангори ранг билан аралашиб қуйидаги тусларни ҳосил қилади: сарғиш, сарғиш яшил, яшил, тўқ яшил, тутак, зайнови, зумрад ранглар. Шунинг унутмаслик керакки, сарик рангнинг бир канча туслари мавжуд. Жумладан, ним сарик, оч сарик, сарғиштоб, тўқ сарик, қовоқ ранг, малла, тўқ малла, пистақи ва бошқа туслар.

Лимон рангли сарик, сарик ранг туслари ичида энг чиройли ва равшандир. Уни қайси ранг туси билан аралаштирмани таъсири сезилиб туради. Ҳосил бўлган ранг ўзининг ёқимлилиги билан бошқа ўзига ўхшаш ранглардан ажралиб туради. Бу ҳол айниқса зайнови, зумрад рангларда яққол сезилади. Сарик рангнинг қизил билан қўшилишдан эса зарғалдоқ ранг ҳосил бўлади.

Агар эритмада сарик рангнинг таъсири кучлироқ бўлса – зарғалдоқ, оч зарғалдоқ, қовоқ ранг ва шу каби туслар, қизил ва бошқа туслар ҳосил

бўлади. Булардан ташқари сарик рангнинг қуйидаги туслари ҳам ишлатилади. Кронли сарик – оч сарик, тиниқ ва нафис. Кадмийли сарик – оч сарик ва ёруғ тусдагиси эса баъзан пассив лимон рангга ўхшаб кетади. Тўқ сарик, зарғалдоқ тусга эга.

Охра – Жигарранг тусдаги сарик, ёруғ ва равшан, тилла ранг, жигарранг, қизғиш тусларда бўлади. Сарик ранг асосан ёруғ жойларни, илик тусдаги кўринишларни беришда қўл келади.

Қизил ранг бўёқлар ичида ўзининг алоҳида хусусияти билан ажралиб туради. Чунки, унинг тури кўп бўлиб, бир-биридан туси жиҳатидан сал – пал фарқ қилади. Қизил бўёқ асосан қирмизи, алвон ранг, гул-гун, бахмал ранг, оч қизил, тўқ қизил, оч пушти, ним пушти, пушти, шол, оч сапсар, ним сапсар, сиёҳ ранг, қизғиштоб, оч бинафша, кўкиш банафша, қизғиш бинафша ва бошқа ранг тусларидан иборат. Қизил рангнинг зангорига яқинроқ туслари ўзида совуқ кўринишни акс эттиради. Сафсар ҳамда бинафша рангларнинг совуқ туслари шулар жумласидандир.

Қизил ранглар: киновар – равшан қизил бўёқ (симоб сульфид қизил ранги менерал, симоб рудасидан олинган қизил бўёқ)

Краплак – турли тусда кўринувчи тўқ қизил бўёқ.

Кармин – кошинель деб аталувчи ҳашоратдан олинадиган оч тусли қизил бўёқ.

Кадмийли қизил – жуда тиниқ, равшан ва илиқ тусдаги қизил каби туслари ҳам мавжуд.

Зангори бўёқ совуқ рангларнинг бутун бир гаммасини ташкил этади.

Булардан ташқари зангори бўёқнинг ультрамарин – кўкимтир рангни эслатувчи тўқ кўк туси мавжуд.

Кобальт – оч ҳаворангнинг ҳар хил тусдаги кўриниши.

Бермен мовий ранг – тўқ зангори туслари ҳам бор.

Зангори рангнинг тиниқ тусларигина сарик ҳамда қизил ранглар билан яхши аралашади ва ҳеч қандай хунук тус ҳосил қилмайди.

Яшил бўёқлар сарик рангнинг бевосита зангори билан аралашув натижасида ҳосил бўлади.

Қора ранг бошқа ранглардан ўзининг тамоман қарама-қарши хусуиятлари билан ажралиб туради. Қора ранг ёрдамида ахроматик рангларнинг бутун бир композициясини топиш мумкин. Унинг ҳар қандай хроматик ранглар билан аралашмаси ахроматик рангларнинг ёки керакли рангларнинг хира тусини беради.

Оқ ранг акварел бўёғи билан ишлашда қўлланилмайди, лекин гуаш, темпера, мой бўёқ ва пастел билан ишлашда қўлланилади. Ахроматик ва хроматик рангларнинг оқ ранг билан ҳар қандай аралашмаси ўша рангнинг оч тусини ҳосил қилади.

Ранглар ва улардаги турли аломатларни ўзбек тилида ифодалаш анъаналари:

Алвон	Сарик
Арғувон	Сафсар
Барги карам	Самон ранг
Бинафша	Сур
Буғдой ранг	Фируза
Бўз	Яшил
Гулгун	Ўчоқ кесак
Гунафша	Қизил
Жигар ранг	Қирмизи
Зангори	Қора
Заъфарон	Қора мағиз
Зумрад	Қорача
Кул ранг	Қўнғир
Кўк	Қаҳрабо
Ложувард	Ҳаво ранг
Лола ранг	Ол

Малла	Оқ
Мовий	Писта мағиз
Мош ранг	Пистоқи
Нафармон	Пушти

Рангларни жонли тилда ва шунингдек, турли касб ҳунар эгаларининг нутқларида юқоридагилар каторида яна қуйидаги ранглар қўлланиб келинади:

Анордона	Зок
Ақиқ	Каптар бўйин
Байзогун	Кўк темир
Бургул	Милойи
Гулнор	Нимтатир
Гулоб	Нимпушти
Жийрон	Олма талқон
Занови	Сабзи ранг
Зартова	Сиёҳ
Сариқ кесак	Шинни
Сурма ранг	Шол
Тўпори	Қовоқ сариқ
Шафтоли гули	Ҳафранг

Булардан ташқари Ўрта Осиё бобокалон олимларимиз ва шорларимизнинг асарларини ўқиганимизда қуйидаги ранг номлари ҳам учратамиз:

Азроқ	Ахмар	Ёқутий
Асали	Байзо	Жигарранг
Асвар	Биринжи	Зулшони
Ахзар	Гульфом	Кофиргун
Кухли	Сандали	Қийиргун

Лолагун	Махсар	Мино
Мушкин	Нили	Норанжий
Обгун	Обнус	Райҳоний
Руммоний	Савод	Самовий
Товусий	Тутакий	Шафакгун

Кўпинча у ёки бу рангларни номлашда устун ранг номи одидан шу рангнинг таркибидан ўрин олган бошқа ранг номи ҳам қўшиб ишлатилади. Масалан: қизил жигар ранг, кўк яшил, кўкимтир сариқ ва шу кабилар.

РАНГЛАРНИНГ БИР–БИРИГА ЎЗARO TAЪСИРИ.

Ранг ўзи нима? Уни қандай хусусиятлари бор? Буюмларни ранги нимани билдиради? Нима сабабдан баъзи нарсалар кўк, бошқаси қизил, яна бири яшил рангли?

Буларнинг барчасига сабабчи ўз йўлида ҳамма нарсани ёритувчи, нурлантирувчи куёшдир. Қоронғида биз ҳеч қандай рангни кўрмаймиз. Кўзга куёш ёки электр чироғи нурлари, ёруғлик тўлқинлари тушиши биланок рангларни хис қилиш туйғуси пайдо бўлади.

Одатда рангни кўриб хис қилиш икки гуруҳга бўлинади: биринчи гуруҳи ахроматик ранглар қора, оқ, кулранг. Кейинги гуруҳда хроматик ранглар қора, оқ, кулранглардан бошқа барча ранглар қизил, пушти, сариқ, яшил, ҳаворанг киради.

Ёнма–ён турган ранглар табиатда ҳам бир-бирига таъсир қилади. Мисол учун, оқ матони майса устидаги ҳолатини олиб кўрайлик, у баъзи жойларда яшил рефлекс ҳосил қилса, баъзи жойларда сарғиш, оч-қизил рангда бўлиб кўринади. Энди кўрганларимизнинг ана шундайлигича қоғозга тушуриб кўрайлик, хўш қоғоздаги рангларнинг ҳолати билан табиатдагиси бир- хил бўладими ? Албатта йўқ. Чунки, табиатдаги маълум бир масофадаги рангларнинг бир-бирига ўзарo таъсири билан текис қоғоз юзасидаги, сиртидаги рангларнинг ўзарo таъсири бир-бирига сира ўхшамайди. Қолаверса, табиатда рангларнинг тарқалиши, ёйилиши чегарасиз. Асарда эса

унинг акси, маълум бир масофа асосида кўрамиз, хис қиламиз. Асардаги ранг табиат ранги сингари ҳар сонияда ўзгармайди, табиатдаги сингари яшаймади, балки рассом қўйган ҳолатда туради.


Табиатдаги мавжуд рангларни икки қисмга: ахроматик ва хроматик рангларга ажратиш мумкин. Оқ, кул ранг ва қора ранглар ҳамда уларнинг ҳар хил нисбатда аралаштиришдан ҳосил бўладиган барча ранг туслари **ахроматик ранглар** деб аталади. Ахроматик рангларни бир-биридан ажратишда ёруғлик кучи муҳим рол ўйнайди. Шунингдек, ранглар спектрининг кўринувчи қисмидаги ҳар хил тўлқин узунлигига эга бўлган барча ранглари бир хил қайтаради. Натижада, юза ёруғликни қанча кўп қайтарса, у шунчалик оқ тусга қанчалик кўп ютса, шунчалик қора тусга ўхшаб кўринади.

Табиатда қуёш нуридан тушаётган ёруғликнинг ҳаммасини, яъни 100% ни қайтарадиган ёки ютадиган минерал, материал йўқ. Бинобарин, табиатда мутлақо оқ ранг ҳам қора ранг ҳам бўлмайди. Энг оқ рангдаги материалга юмшоқ магний оксиди мисол бўлади, унинг қуёш нурининг қайтариш коэффициенти 96 % ни ташкил этади. Энг кичик қайтариш коэффициенти 0,3 % га эга бўлган материал қора духоба мато ҳисобланади. Шунинг учун ҳам қора духоба энг қора рангга ўхшаб кўринади.

Ахроматик ранглардан бошқа барча ранглар, яъни бирор ранг тусига эга бўлган ранглар **хроматик ранглар** деб аталади. Қуёш спекторининг барча ранглари ҳамда уларнинг бир-бирлари билан аралашувидан ҳосил бўлган ҳамма ранглар хроматик рангларга киради.

Ахроматик рангларнинг хроматик ранглардан асосий фарқи шуки, улар танламай ютиш ва қайтариш хоссаларига эга. Хроматик ранглар, ахроматик ранглардан фарқли ўлароқ, фақатгина ёруғлик кучлари билан эмас, балки номлари, туслари жиҳатдан ҳам ажралиб туради.

Рангларни фарқлаш хусусиятлари ҳар бир хроматик ранг 3 та хоссага: ранг тусига, ранг ёрқинлигига (бунда ранг кам ёки кўп ёрқинлиги кўзда тутилади), ранг тўйинганлигида (ранг қуюқлигида) эга бўлади.




Асосий ва қўшимча ранглар.

Ранглар халқасида бир-бирига рўбарў турган ранг доғчалари **қарама-қарши ёки тўлдирувчи ранглар** деб аталади. Улар ҳам ўз навбатида, бир-бирларига мутаносиб бўлади ва бир-бирларини тўлдиради.

Тўлдирувчи ранглар қатор қўйилганда мувофиқлашув қонунига биноан яна очроқ ёки ёруғроқ бўлиб кўринади. Айтайлик, қизил ранг, яшил ранг

билан ёнма-ён қўйилса бошқа ранг каторига нисбатан янада очроқ ва кизилроқ кўринади. Ўқувчиларга рангларнинг туслари ва тўлдирувчи ранглар тўғрисида гапирганда уларни қандай йўллар билан ҳосил қилинганлигини тушинтириб ўтиш кифоя. Буларни ўқувчилар ўқитувчилар билан биргаликда палитрада амалда тажриба қилиб кўрадилар.

Агар иккита тўлдирувчи ранг бир хил микдорда аралаштирилса кул ранга ўхшаб қолади. Натижада бирорта рангнинг ёруғлик кучини камайтириш учун устида тўлдирувчи рангнинг суюқ эритмаси билан қоплаш керак ёки атрофидаги ранг халқаси ўзгартирилади. Масалан: кизил рангни озроқ кучсизлантириши учун уни яшил рангнинг суюқ эритмаси билан қоплаш керак. Гоҳо ёнига бирорта қизғиш тусдаги бўёқ сурилади.



Табиатдаги мавжуд рангларни илиқ ва совуқ рангларга ажратиш ҳам мумкин. Рангларнинг бу хусусиятлари уларнинг асосий хоссаларидан биридир. Илиқ рангларга қуёш, алангани, қизиган темирнинг тафтини

эслатувчи сарик, зарғалдоқ, қизил, сарғиш-яшил каби ранглар киради. Илик рангларнинг асосий хоссаларидан бири шуки, улар кўзга тез ташланади ҳамда сезги органларга кучли таъсир қилади. Барча илиқ рангларни шартли равишда бўртган ёки фаол ранглар деб аташ мумкин. Рассом асарининг олди планини тасвирлашда кўпинча илиқ ранглардан фойдаланади. Баъзи ҳолларда эса илиқ рангларни ёқимли ранглар деб ҳам юритилади.

Совуқ ранглар эса аксинча ёқимсиз ранглар деб аталди. Совуқ рангларга эса муз, сув, осмон рангларни эслатувчи кўкиш, яшил, зангори, ҳаво ранг, тўқ яшил ранглар киради. Совуқ ранглар шартли равишда ботган ранглар деб аталади. Илик ва совуқ ранглар бадиий безаш ишларида кенг қўлланилади ҳамда рангли тасвир ишлашда жуда қўл келади.

Рангларнинг инсон организмга таъсири.

Рангларнинг инсон организмга таъсири бекиёсдир. Қаёққа қарама-қарши рангларнинг таъсирчан кучини кўраемиз. Кўчалардаги бадиий безаклар, шиорлар, дарахтлар-у гуллар ва ҳоказолар шу жумласидандир.

Рангнинг исталган реклама компаниясининг асосий таъсирчан воситаси эканлиги исбот қилмайдиган ҳодисадир. Рангларни фан сифатида ҳам, фирма услубида ҳам, упаковкаларни безашда ҳам, дизайн ва шу каби ҳолларда ҳам кўришимиз мумкин.

Замонавий илм – фан ҳар – бир алоҳида ранг инсон руҳиятига ўзига хос физиологик ва психологик таъсир кўрсатишини атрофича ўрганиб чиқмоқда. Рангнинг бир қанча факторлари : ранг туслари, тўйинганлиги, ёрқинлиги, қарама-қаршилиги, уйғунлиги ва адаптация шулар жумласидандир. Кишилар тамонидан ҳар хил рангларнинг турлича қабул қилиниши, улар кайфиятини кўтариши ёки тушириши, фаоллигини ошириши ёки камайитириш мумкин.

Рангнинг таъсирчан кучидан ҳозирги замон тиббиёти ҳам самарали фойдаланмоқда. Чунончи, тиббиётда асабий ва бетоқат болаларни қизил ва сарик ранглар ёрдами билан даволаш кенг жорий этилан. Врачлар ва

физиологлар яшил рангни нерв тизимига таъсир қилади деб таъкидлайдилар. Бу оғриқни қолдирувчи, гипноз қилувчи ранг, асабнинг таъсирчанлигига, уйқусизлик ва чарчаганликка самарали таъсир кўрсатади. Қон босимини камайтиради, тонусини эса кўтарadi, копиярларни кенгайтиради. Қон босимини кўтарилишига боғлиқ бўлган нервалогик ва мигрен касалликларини енгиллаштиради.

Ҳаво ранг—антисептик, у йиринглашни пасайтиради, баъзи ҳолларда ревматизм оғриқларига, шаммолаш, хаттоки рақ касаллигини даволашда ҳам қўлланилади. Бироқ, узоқ муддат давомида ҳаво ранг билан нурлантириш эвазига одамда толиқиш, чарчаш ва руҳий сиқилиш келиб чиқиши мумкинлигини унутмаслик керак.

Зарғолдоқ ранг – сезгирликни оширади, томир уришини тезлатади. Қон босимига таъсир қилмайди, хотиржамлик ва руҳий тетиклик кайфиятини уйғотади.

Сариқ ранг – мия фаолиятини кўзғотади, ақлий етишмовчиликка қарши самарали таъсир қилади ҳамда узоқ вақт мойнида нурлантириш оғриқни ўзгариб туришига тўсқинлик қилади.

Қизил ранг – ёқимли ва кўзғатувчан ранг, у ҳам мияни кўзғотади, меланхолияга самарали таъсир қилади.

Бинафша ранг – юрак хасталигида самарали таъсир қилади. Ўпка ва қон томирларига ҳам таъсир қилиб тўқималарнинг чидамлигини оширади.

Ранг тусларидан тўғри фойдаланилмаса, инсон организмига салбий таъсир қилиб ҳар-хил касалликларга дучор қилишини ҳам унутмаслик керак. Шунинг учун турар жой, корхона, турли муассаса биноларининг ички тамонлари, умуман барча жойларини бўяшда психологларининг кўрсатмаларига амал қилиш лозим. Айниқса, девор юзаларига бериладиган бўёқларнинг ранги санитария – гигиена талабларига тўла жавоб бериши зарур. Мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар, шифо масканлари-ю, ошхоналар деворларни бўяшда очиқ ранглардан фойдаланиши тавсия қилинади. Чунки, тўқ рангда бўялган юзаларнинг ифлосланганлиги деярли

сезилмайди. Бинобарин, юзага берилган бўёқнинг оч рангда бўлиши юзининг озгина ифлослангани пайқаш имкониятини беради.

Жуда кўп психолог текширишлар шуни кўрсатадики, болаларга ялтироқ, рангли нарсаларнинг барчаси ёқади. Шуни эсда тутиш керакки, атрофдаги ранглар ўқувчиларнинг психикасига қанчалик кўп таъсир қилса, улар шунчалик тез чарчайдилар, ўзлаштиришлари ҳам пасаяди. Спектр ранглари ичида кўзни энг кўп толиқтирадигани – ҳаво ранг, энг ками яшил ранг ҳисобланади. Яшил рангнинг таъсири остида ўқувчиларнинг иш қобилияти узоқ вақт ва турган сақланиб қолади. Шунинг учун ҳам синф хоналардаги ўқувчилар учун мўлжалланган парта, стол – стулларни яшил рангнинг оч тусида бўйаш мақсадга мувофиқ бўлади. Ранг табиат кўринишининг мўъжизаси, у буюм ҳақидагина маълумот бериб қолмасдан, балки инсонга рухий таъсир кўрсатиб уни ҳаяжонга соладиган фикр ва ҳаёлларини кўзғатиш қудратига эга. Масалан, сариқ ранг қуёш рамзи ҳисобланади, ҳаво ранг сув ва кенглик, яшил ранг майса ва ўрмонлар рамзидир. Қизил олов ва қон тимсолидир. Айтишларича қизил «ёнади», «Чарахлайди», «олов суърат» бўлади. Ҳинду, Хитойнинг баъзи мамлакатларида ҳафтанинг ҳар бир маълум бир ранг билан боғлиқ.

Душанба – Сарик

Сешанба – Пушти

Чоршанба – Яшил

Пайшанба – Зарғалдоқ

Жума – Ҳаво ранг

Шанба – Пушти бинафша

Якшанба - Қизил

Акварель билан ишлаш.

Акварель билан ишлаш техникасини пухта ўзлаштириш учун дастлаб кора, тўқ жигарранг ранглардан фойдаланиб расм ишлаш маъқул. Бу усулда ишлаш монохрам, ёки гризайл (бир рангда ишлаш) методи деб аталади.

Акварель билан ишлашни ўрганишда амалий машғулотлар жараёнида ранг тусларни ҳосил қилиш учун эса бўёқни кўпроқ қўйиш кераклигини ўргатиш керак. Оч тусдаги рангнинг ҳосил бўлишини амалда кўрсатиш учун сувли стаканга қизил ранг аралаштирилади. Стаканда ҳосил бўлган аралашмага тоза сув қўшишни давом эттирсак, бу ранг тусининг очлашиб боришининг гувоҳ бўламиз, аксинча, аралашмага қизил ранг қўшишни давом эттирсак, мазкур ранг тусининг тўқлашиб боришини гувоҳи бўламиз.

Ранглар тўйинмаганлигининг аста-секин ўзгариб бориши ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш керак. Агар хроматик ранглар таркибига ахроматик ранглар қўшилса, уларнинг тиниқлиги пасаяди. Натижада рангнинг тўйинганлиги ўзгариб бошқа ранг туси ҳосил бўлади. Кул ранг қанчалик кўп қўшилса, хроматик ранг шунчалик ахроматик бўлган кул рангга яқинлашиб боради. Бу хилдаги ёруғлик кучларни камайтириш натижасида рангларни тиниқлигини йўқотиш ҳамда хира кўринишдаги ранглар олиш мумкин. Ранг устида ишлаш усуллари икки қисмга: асосий ва қўшимча рангларга бўлиб ўрганилади. Олинган ранг туслари эса ўзаро солиштириш йўли билан ҳосил қилинади. Бунинг учун дастлабки машқларни тайёр бўёқларни бир-бирига тенг миқдорда қўшиш эвазига қўшимча рангларни топишдан бошлаш лозим. Кейин эса бир рангни кўпроқ миқдорда, иккинчи рангни эса оз миқдорда аралаштириш эвазига қўшимча рангларни ҳосил қилишни машқ қилинади. Бунга қуйидаги жадвал асосида баъзи бир мисолларни келтирамиз.

№	Кўпроқ қўшилган ранг	Оз миқдорда қўшилган ранг	Ҳосил бўлган ранг
1	Зангори	Сариқ	Тутаки
2	Ҳаво ранг	Сариқ	Яшил

3	Қизил	Сарик	Тўқ зарғалдоқ
4	Сарик	Қизил	Оч зарғалдоқ
5	Сарик	Ҳаво ранг	Сарғиш яшил
6	Қизил	Зангори	Бинафша

Акварель бўёғида асосан икки хил методдан, яъни алая-прима, ҳамда лиссоровка методларидан фойдаланиб ишланади. Аллая-прима методида қисқа муддатли тасвирлар ишланади, мисол учун қоғоз намлигини сақлаган ҳолда рангларни тўқ ҳолатда ишлатиб, бир маротаба ранг бериш билан иш якунланади. Бу метод ўзгарувчан манзараларни, воқеа-ҳодисаларни дарҳол ишлаб олиш керак бўлган пайтларда қўл келади. Масалан, куёшнинг чиқиши ёки ботиши, туманли ёки ёмғирли ҳавони кўринишларини тасвирлашда қўлланилади. Алая-прима метод билан ишланганда қўшимча воситалардан фойдаланилмайди. Ранглар ўзаро оҳангдош бўлиши ва тиниқ ҳамда тоза кўринишда сурилиши лозим. Буларнинг барчаси бўёқлар билан ишлаш малакасининг ўсишига, қўлнинг енгил ва тез ҳаракатланишига, рангни кўра билиш ва сезиш қобилиятини ривожига катта ёрдам беради.



Лессировка усулида асосан узок муддатли дарс машғулотларида фойдаланилади. Бу усулда очдан тўққа қараб аста секинлик билан ишлаб борилади, унда бўёқларнинг тиниқлигидан, рангларнинг ўзгаришидан, бирига ўзаро таъсиридан фойдаланган ҳолда бир рангнинг устига иккинчисини қўйиб ишлаш мумкин. Тасвирий санъат дарсларида рангтасвирларнинг муваффақиятли чиқишда акварель бўёғи муҳим роль ўйнайди. Чунки, бўёқ билан ишлаш қанчалик пухта ўрганилган бўлса, рангли тасвирлар шунчалик яхши чиқади.





Гуашь буёғи билан ишлаш.

Гуашь билан ишлаш техникасини ўзлаштириш учун дастлаб қора тўқ жигарранглардан фойдаланамиз. Гуашь билан ишлашда, амалий машғулотларда ранг тусларини ҳосил қилишни ўрганиш керак. Оч тусдаги рангларни ҳосил қилиш учун сувли аралашмадан фойдаланилади. Ранглар гуашь билан ишлаганда бир-бирига чапланмайди. Шунинг учун гуашь билан ишлаш ўқувчига бир оз енгиллик яратади. Ранг устида ишлаш икки қисмга бўлинади: асосий ва қўшимча рангларга бўлиниб ўрганилади, олинган ранг туслари ўзаро солиштирилари. Ранглар бир-бири билан қўшилиши натижасида ўз тиниқлигини йўқотади. Кул ранг қанчалик кўп қўшилса, хроматик ранг шунчалик ахроматик рангга яқинлашиб боради. Акварель билан ишланганда тасвирларда ўз рангига яқин ранглар танлаб олинади. Аниқроғи қоғозни бирданига бўёқ билан тўйинтириб тўқ жойларни ёққол кўрсатиш керак. Гуашь буёғи қуриган сари очлашиб боради. Шунинг учун уларни устма-уст ишлаш ярамайди. Тасвирдаги буюмни соя ва ёрқин жойлари иш бошида бўямасликка ҳаракат қилиш керак ишни кам тўйинган объектлардан бошланганда уларни ёрқинлигини бўртириб бориши керак. Режадаги буюмларни рангини кучайтириш ёки пасайтириш учун тоза мой қаламдан фойдаланилади. Уларни узоқда жойлашганини билинтириш учун мой қалам учида ювиб ташлаш керак, аксинча олдинги режада бўлса, буюмларни янада яқинлаштириш учун ёрқинлигини ошириш ва чегараларини аниқроқ ишлаш йўли билан тус нисбатини кучайтириш керак.





XVIII асргача рассомлар ва халқ усталар, хунармандлар бўёқларни уй шароитида ўзлари тайёрлашган. Шогирдларига эса тошларни майда кукунга айлантириб, унга елим, ўсимлик ёғи ёки тухум билан аралаштириб бўёқ тайёрлаш сирларини ўргатишган. Хозирги даврда замонавий саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган турли-туман бўёқлар мавжуд.

Рангтасвир бўёқлари махсус ўз номларига эга ва биз уларни қандай кимёвий ёки табиий элементлардан тайёрланганлигини билиб олишимиз мумкин. Ҳар қандай бўёқнинг асосида бўёқ кукуни ётади. Одатда бўёқнинг номи уни тайёрлаш жараёнида қандай моддадан фойдаланганлигига қараб аталади. Масалан, рангли мойбўёқлар учун зиғир ёғи ёки шу каби бошқа ёғлар асос бўлиб хизмат қилади. Сувбўёқ, гуашь ёки темпералар – елимли бўёқлар дейилади. Қадимда темпера бўёғини сариклик ва оқлик темпера деб юритишган. Бунинг сабаби тухим сариғидан ёки оқидан бўёқ кукунига қўшиб тайёрланилган.

Қизиқарли маълумотлар

Агар балиқ ёғи уч кун офтобга қўйилса, сўнг ўша ёғ билан нимаики ёзилса, у сариқ рангда бўлади.

Агар хурмо ва ҳардолни бирга янчиб, ҳосил бўлган суюқлик ёрдамида нимаики ёзсак, у қизил ранг бўлиб кўринади.

Агар сутга озгина новшадил спирти қўшиб оқ қоғозга ёзилса, уни қоғоздан фарқлаб бўлмайди, бироқ, қоғозни оловга тутиб қиздирганимиздан кейингина ёзувлар қора рангда бўлиб кўринади.

Агар пиёз суви билан қоғозга ёзадиган бўлсак, уни ҳам қоғоздан ажратиб бўлмайди. Бунда ҳам бизга оловнинг ёрдами керак бўлади, қиздирилган қоғоздаги ёзувлар яшил рангда кўринади.

Агарда оқ қоғозга тоза сутнинг ўзи билан ёзиб ва уни оловга яқинлаштирак, биз сариқ ёзувнинг гувоҳи бўламиз.

Оҳак, маргумуш ва куйдирилган кўрғошин, сано, хина, гулхайри-буларнинг ҳаммасидан тенгма-тенг миқдорда олиб, туйиб элаб, янчиб, бир коса сувга солиб бир кеча қолдирилади. Сўнг сузиб, тозалаб, оқ юнгли ҳайвон терисига суртилса, барча оқ ранглар қора рангга айланади. Айрим жойларига суртилганда эса, ола-була бўлиб қолади.

Қари, ичи ғоваклаган тут дарахтини ўзаги жойлашган қисмида пўкаксимон, кўл тегса майдаланиб, уқаланиб кетадиган чириндисини оламиз, уни майдалаб, кукун ҳолатига келтирамиз. Ҳосил бўлган кукунни сув солинган қозонда аралаштиримиз, яхши аралашмайди. Чунки, яхши аралаштириш учун қозонни оловда қиздириб, сувни қайнатиш зарур бўлади. Шундагина ранг ҳосил бўлади. Оппоқ матони ушбу тайёр ҳосил бўлган қайнатмага аста-секинлик билан солиб, тўқ сариқ рангга бўяш мумкин. Матони яхшилаб қуритгандан сўнг фойдаланиш мумкин, уни ранги ювганда ҳам ўчмайдиган ҳолатда бўлади.

Қора узум новдасини ва баргини қиздирилган патнис устига қўйямиз бир соатлар чамаси қизиган патнис устида турган қора узумнинг барги қўйиб кулга, новдалари эса кўмир ҳолатига келади. Уларни ҳовончада туйиб кукун

ҳолатига келтирамиз. Ҳосил бўлган кукунни бир неча маротаба элакдан ўтказиб олиб, 10 грамм тайёрланган кукунга 15 грамм узумни сувидан қўшамиз ва уларни аралаштириш ёрдамида ранг ҳосил қиламиз. Агарда мойли бўёққа эга бўлишни истасангиз аралашмага зиғир ёки ёнғоқ мойидан қўшиш тавсия қилинади.

Шафтоли уруғлардан ҳам узум барги ва новдаларидан қандай усулда ранг ҳосил қилган бўлсак шу усулда кўкимтир ранг ҳосил қилишимиз мумкин. Бироқ, шафтоли уруғи ёниб кул бўлиб кетмаслиги, аксинча, ёғочсимон кўмир ҳолатида бўлиши керак. Аралашма миқдори бироз фарк қилади ва бунда 5 грамм шафтоли кукунига 15 грамм узум суви қўшилади.

Суяклардан ҳам қорамтир-жигарранг бўёқ олиш мумкин. Бунинг учун суякни яхшилаб қиздирилади ва куйдирилади. Суяк ҳовончада туйиб, элакдан бир неча бор ўтказилиб табиий упа ҳолига келтирилади. Мақсулот таркибида углерод, кельций, фосфад, магний фосфади, карбонад, калций моддалари мавжуд. Шунинг учун ҳам ундан ўта сифатли ранг олиш мумкин.

Гултожихўрознинг барглари қуришиб ҳовончада яхшилаб майдалаб, кукун ҳолатига келтирамиз. Элакдан 3-4 маротаба ўтказилган кукун тайёр таббий рангдир. Озгина сувни қайнатиб, унга гултожихўроз кукунидан ташласак, сув тўқ қизил тусга киради. Матони бўяш учун ишлатиладиган ушбу рангдан фойдаланишдан олдин унга ош тузидан озгина қўшиш кифоя.

Қадимда одамлар махсус бўёқ моддасини излаб юрмаган. Улар ғор деворида, дарахт ёки ҳайвон терисида нимаики из қолдирса – бўрми, қора куями, лой ёки ўсимлик шарбатими – дуч келганидан фойдаланганлар. Кейинчалик минераллар, ўсимлик ва ҳайвонот организмларидан турфа хил бўёқлар яратила бошланган. Масалан, қадимий римликлар пурпур (қимматбаҳо қизил бўёқ) ни денгиз малюскаларидан олишган. Аждодларимиз эса қизил мисни қатиққа солиб икки ҳафта давомида иссиқ жойда сақлаш эвазига ярқироқ қизил бўёқ ҳосил қилганлар.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

- М.Набиев. Рангшунослик ва рангтасвир технологияси. Т.; 1995
- Б.Жаббаров. Рангшуносликка оид айрим атама ва ибораларнинг изоҳли луғати Н.; 2001
- Б.Жаббаров. Рангшунослик (маърузалар матни) 1-қисм. Н.; 2001
- А.Умаров, М.Ахмедов. Тасвирий санъат атамаларининг изоҳли луғати. Т.; 1997
- Ҳ.Эгамов. Бўёқлар билан ишлаш. Т.; 1982
- Н.Норматов. Камалак яшайдиган уй. Т. ; 1990
- С.Ҳасанов. Навоий поэтикасида рангларнинг қўлланилиши. “Санъат” журнали. Т. ; 1990/1
- Н.Волков. Цвет в живописи. М.; 1984
- А.Зайцев. Наука о цвете и живопись. М. ; 1986
- Ж.Агостон. Теоре цвета и её применения в искусстве и дизайне. М.; 1982